

КУЧЛИ ШИШУВЧАН ГИДРОГЕЛНИ ҚЎЛЛАБ САКСОВУЛ КЎЧАТЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

А.О. Хомидов – ассистент ТИҚХММИ

Аннотация

Мақола Оролбўйи шароитида маҳаллий хом ашёлардан синтез қилинган кучли шишувчан гидрогелни қўллаб саксовул уруғини ва кўчатларини тупроқнинг сув физик хоссаларини бошқариш сув тежамкор технологияларни такомиллаштириш. Оролбўйи шароитида шароитида учун маҳаллий хом ашёлардан синтез қилинган кучли шишувчан гидрогеллар асосида ишлаб чиқилган сув тежамкор технологияси тупроқнинг намлигини мақсадли бошқариш имконини беради.

Сўнгги 7-8 йил давомида Орол туби ва Оролбўйида қум ва туз бўронлари ҳар йили 90 кунгача давом этади. Ушбу муаммо оролбўйида истиқомат қилаётган аҳолига қуплаб қийинчиликлар келтирмоқда. Президентимиз Ш.Мирзиёев 2017 йил 19 сентябрда БМТ Бош ассамблеясининг 72-сессиясида жаҳон муаммосига айланган Орол фожиаси оқибатларини юмшатиш юзасидан ўз фикларини баён қилиб, бу муаммога жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини қаратган эди. Юртбошимизнинг ташаббуслари билан ўтган йили БМТнинг Оролбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида Траст фонди ташкил қилинганлигини Оролбўйи аҳолиси катта қувонч



билан қарши олди. Давлатимиз раҳбарининг 2018 йилнинг 15-16 ноябрь кунлари Қорақалпоғистонга ташрифи давомида ҳамда Олий Мажлисга Мурожаатномасида Орол денгизининг қуриган ҳудудида ўрмонзорликлар барпо қилиш, жумладан, 2019 йилнинг ўзида 500 минг гектарлик ўрмонзорлик яратиш бўйича бир қатор топшириқларни

белгилаб берган эди. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 15 февралдаги «Орол денгизи тубидаги суви қуриган ҳудудларда «яшил қопламалар» - ҳимоя ўрмонзорлари барпо этишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига кўра, кўтарилаётган қум, туз ва чанг заррачаларининг салбий

таъсирини камайтириш, ушбу ҳудудларда чўл ўсимликларидан ҳимоя ўрмонзорлари барпо қилишни самарали ташкил этиш ҳамда глобал иқлим ўзгаришлари, Орол денгизи қуришининг қишлоқ хўжалиги ривожланиши ва аҳолининг ҳаёт фаолиятига салбий таъсирини юмшатиш мақсадида 2019 йилда амалга ошириладиган тадбирлар учун 100 миллиард сўм ажратилди. Маълумотларга кўра, ҳозирда Орол денгизининг қуриган тубига саксовул экиш учун 326060 гектар ер майдони тайёрланиб, шундан 103 минг гектардан кўпроқ майдонга саксовул уруғи экилди [1,6].

Ҳозирда Оролнинг қуриган майдонида саксовул экиш ишлари қизғин давом этмоқда. Унга Қорақалпоғистон ва республикамизнинг барча вилоятларидан жами мингдан ортиқ ишчи, 549 техника, 2 самолёт жалб қилинган. Маълумотларга қараганда, шу кунгача бу ерда саксовул экиш учун жами 326 минг 60 гектардан ортиқ ер майдони, 622 минг 500 килограмм саксовул уруғи тайёрланган. Шундан 103 минг 235 гектарига 412 минг 275 килограмм саксовул уруғи экилган. Самолётлар ёрдамида 51 минг 800 гектар ерга 156 минг 600 килограмм саксовул уруғи сепилган.

Соксовулларни ҳозирги кунда сув тежамкор суғориш технологияси сифатида маҳаллий хом ашёдан синтез қилинган кучли шишувчан гидрогеллар билан экилиши яхши натижалар бериши мумкин.

Республикадаги лалмикор тупроқларнинг намлик тартиботи турли йилларда Маманиязов С.М., Рыжов С.Н., Юнусов М.Ю., Лавронов Г.А., Х.Юсупов ва бошқалар томонидан тадқиқотлар олиб борилган ва ўрганилган. Гидрогелар ишлаб чиқиш ва амалейётда фойдаланиш йўналишида Акад. Жалилов гуруҳи айниқса яхши натижаларга эришишган. [2,3,4,5].

Соксовул уруғларини экишда Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялар илмий тадқиқот институти томонидан ишлаб чиқилган услубият асосида олиб борилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Саксовул уруғини гидрогель билан копланган холда 10-15 см чуқурликка экилса уруғ яхши униб чиқади ва ривожланиши яхши бўлади. Экилганда уруғни усиш қобилияти 90 % га ошади, узоқ вақт суғорилманган даврда усимлик сақланади. Ҳозирги кунда Республикамизда гидрогел билан уруғни биргаликда экиш техниксини (трактор) олимларимиз томонида бир қатор ишлар олиб борилмоқда. Ҳозирги кунда бир қатор вилоятида гидрогелларни пахта ва кузги буғдойларда синаб кўрилганда ҳосилдорлик бир неча центнерга ошганлиги маълум бўлди. Ҳозирда хаводан самалёт ёрдамида уруғларни экиш амалга оширилмоқда. Бу бир қаторда кўплаб майдонларга экиш, кўл меҳнатини камайтириш ва экишни тезлаштиришга олиб келади. Агарда хавода гидрогел билан самалёт ёрдамида экилса бунда гидрогел миқдори ортиб кетиши мумкин. Бу уз навбатида гидрогелни тан нархини ошиб кетишига олиб келади. Хар бир уруғ учун 50-100 грамм

меъёрда гидрогелларни ишлатиш лозим. Афсуски шамол тезлиги ўрта ва юқори бўлган Орол денгизи минтақасида бу услубдан фойдаланиш урғуларни бефойда сарфига олби келиши мункин.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки саксовул уруғи учун махаллий хом ашёлардан синтез қилинган кучли шишувчан гидрогеллар асосида яратилган сув тежамкор технологияси уруғларни униб ўсиб кетиши самарадорлигини 85-90 % га юқори бўлиш, асосланган меъёрда қўлланган гидрогелнинг солиштирма оғирлиги ҳисобига уруғлар униб чиқишини иқтисодий жихатдан энг юқори бўлишини таъминлайди. Саксовул уруғларини гидрогел билан коплаган холда ресурс тежаш технологиялари ёрдамида экиш ташкил қилиш мақсадга мувофик.

Саксовул уруғи учун махаллий хом ашёлардан синтез қилинган кучли шишувчан гидрогеллар асосида яратилган сув тежамкор технологияси қўлланган шароитларда уруғларга ортирилган меъёрда минерал ўғит бериш ва кучли шўрланган ерлада гидрогелларни қўллаш (ишлатиш) тавсия этилмайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 15 февралдаги 132-сон қарори орол денгизи тубидаги суви қуриган ҳудудларда «яшил қопламалар» - ҳимоя ўрмонзорлари барпо этишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида.
2. Маманиязов С.М. Водно-физические свойства и водный режим почв районов богарного земледелия Узбекистана. Автореф. канд. дисс. Ташкент.,1967
3. Рыжов С.Н., Зими́на Н.И. и др. Определение физических свойств почвы.Т. 1968.
4. Лавронов Г.А. Богарное земледелие в Узбекистане, изд-во «Мехнат», Т, 1979, 479 с.
5. Эшмирзаев Қ., Юсупов Х., Ғалладан мўл ҳосил етиштириш омиллари, “Мехнат”, Т., 1995, 45 бет.
6. <https://www.gazeta.uz/uz/2019/02/22/orol-saksovul/>